

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИКРАМОВ ДУРБЕК АЗИЗБЕКОВИЧ

**ЎСИБ БОРУВЧИ МИОПИЯ КУЗАТИЛГАН БЕМОРЛАРДА КЎЗ
ФИБРОЗ ҚАВАТИНИНГ БИОМЕХАНИК ПАРАМЕТРЛАРИ ВА
ҚОННИНГ МИКРОЭЛЕМЕНТ ТАРКИБИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Икрамов Дурбек Азизбекович

Ўсиб борувчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятлари..... 3

Икрамов Дурбек Азизбекович

Особенности микроэлементного состава крови и биомеханических параметров фиброзной оболочки глаза у пациентов с прогрессирующей миопией..... 23

Ikramov Durbek Azizbekovich

«Features of trace element composition of blood and biomechanical parameters of the fibrous membrane of the eye in patients with progressive myopia»..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИКРАМОВ ДУРБЕК АЗИЗБЕКОВИЧ

**ЎСИБ БОРУВЧИ МИОПИЯ КУЗАТИЛГАН БЕМОРЛАРДА КЎЗ
ФИБРОЗ ҚАВАТИНИНГ БИОМЕХАНИК ПАРАМЕТРЛАРИ ВА
ҚОННИНГ МИКРОЭЛЕМЕНТ ТАРКИБИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib554 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsd.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бузруков Батир Тулкунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Маккаева Сакинат Магомедовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Касимова Мунираҳон Садикджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Академик С.Н.Фёдоров номидаги «Кўз
микрохирургияси» соҳалараро илмий-
техник комплекси «Миллий тиббий
тадқиқот маркази» Федерал давлат
автоном муассасаси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (Phd)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбиги ва зарурияти. Дунёда узоқни яхши кўролмаслик - жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Кўзи ожизлик ва кўриш қобилятини пасайиши орасида узоқни яхши кўролмаслик учинчи ўринни эгаллайди. Қатор муаллифларнинг таъкидлашича «...узоқни яхши кўролмасликни болалар ва ўсмирларда ҳамда катта ёшли инсонларда кун сайин ортиб бориши, кўриш анализатори фаолиятини сусайишига, ўқув юктамаларининг ортиши мактабларида таълим олиш жараёнида соғлом болалар сони 4-5 мартага пасайиши, юқори синфларда саломатлик кўрсаткичини кескин ёмонлашишга олиб келиши қайт қилинмоқда...»¹. Маълумки, кучаядиган миопияда склера ва кўзнинг ички қобиғида кўз тубини дегенератив узайишлари ва қайтмас чўзилишига олиб келувчи дистрофик жараёнлар, бириктирувчи тўқимадаги алмашинув тузилмалари, шунингдек, кўзнинг метаболик, умумий даражада ҳам антиоксидант ҳимоя тузилмаларидаги ўзгаришларга боғлиқлигини кўрсатиб келмоқда. Шу сабабли тос ўсиб боровчи миопияни даволашда кўз фиброз қаватининг биокимёвий параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркибига боғлиқлигини жаррохлик усули билан даволашни оптималлаштириш замонавий клиник офтальмологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларига боғлиқлигини оптималлаштиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бу борада стационар ва жадаллашувчи миопияли беморларда кўзнинг биомеханик ва биометрик параметрлари, турли даражали миопияси бўлган беморларда кўз ёш суюқлигини кристаллографияси, қон ва кўз ёш суюқлигининг микроэлемент таркиби, беморлар қонида D витамин миқдорини ҳамда миопияли беморларни кўз олмасининг биомеханик кўрсаткичлари асосида касалликни даволаш тартибини оптималлаштириш ва самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимга турли даражадаги касалликларда кейинги асоратларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юкалатилган. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни

¹Жорсакова Н.В., Александрова К.А. Жадаллашувчи ексенел миопия: этиопатогенезининг замонавий жихатлари. 67-73.

профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларига боғлиқлигини эрта ташхислаш ва жаррохлик усули билан даволаш ва башаротлашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узоқни яхши кўролмаслик муаммоси замонавий офтальмологиядаги асосийларидан бири деб тан олинган (Тарутта Е.П., 2005). Миопия – кўзнинг клиник рефракциясини энг кўп учрайдиган аномалияларидандир. Россиянинг ўзида 15 миллионга яқин узоқни яхши кўролмаслик ҳолати аниқланган (Либман Е.С., 2008). Фан ва техниканинг ривожланиш асрида кўриш органларига бўлган юклама сезиларли ортади, бу бир томондан рефрактогенезнинг адаптив-мослашиш механизмларини фаоллашишига, бошқа томондан эса миопия рефракциясининг аномал белгиларини шаклланишига олиб келади. Болалик ёшида мазкур муаммонинг долзарблиги жадаллашувчи узоқни яхши кўролмаслик сонини юқорилиги, шунингдек, кўриш бўйича ногиронликнинг умумий тузилмасида у кўзи ожизлик ва кўриш қобилиятини пасайиш сабаблари орасида дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Н.В.Шубина ва С.И.Кузиналарнинг маълумотлари бўйича (2001) асоратланган узоқни яхши кўролмаслик 27%дан 36,5%гачани ташкил этади. Муаммонинг ижтимоий аҳамияти яна шу билан белгиланадики, жадаллашувчи узоқни яхши кўролмаслик кўпинча мактаб ёшидаги болаларда юзага келиб, бошқа сабаблар билан бир қаторда ижтимоий-руҳий ривожланиш ва соғлом бола шахсини шаклланиши учун тўсиқни юзага келтиради (Розенблум Ю.З., 2005). Болалар ва ўсмирларда жадаллашувчи миопия

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

касаллиги сўнгги ўн йилда 1,3 мартага ошди (Хватова А.В., Е.П.Тарутта ва ҳаммуал., 2005, 2006). Шу билан бир вақтда сўнгги ўн йилликларда миопизация жараёнини янада кичик-5-7 ёш томонга сурилиши қайд этилади. Бу кўриш аппаратига юкламаларни ортиши, мактаб дастурларини мураккаблашиши, компьютерларни жорий этилиши билан тушунтирилади (Э.С. Аветисов, О.А. Пантелеева 2002). Мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг узокни яхши кўролмаслик ҳолати айниқса, жадал ривожланиши билан фарқ қилади. Мактабни битириш вақтида миопиялар сони 34,3%гача ортади. Жадаллашувчи миопия касб танлашни чегаралайди, жамоатчилик имкониятини пасайтиради ва ЖССТ берган маълумотларга мос ҳолда кўриш бўйича 27% ногиронликни беради (Ю.З.Розенблюм 2006). Россияда офтальмологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш масалалари ўткир бўлиб турибди. Замонавий статистик маълумотларга таянган тиббий-демографик тадқиқотлар кўрсатадики, (Е.И.Сидоренко 2005), офтальмологик хизматни ривожланишига илмий-техник тадқиқот сабаб бўлади, бироқ, поликлиника даражаси деярли ўзгармай қолмоқда ва замонавий талабларга жавоб бермайди. Шу билан бир вақтда маълумки, ҳар қандай касаллик билан курашишдаги энг оптимал восита бўлиб, уни эрта ташхислаш ва олдини олиш ҳисобланади, узокни яхши кўролмаслик бундан истисно эмас. Ҳозирги вақтда узокни яхши кўролмасликни юзага келиш ва жадаллашишини умумий саломатлик ҳолати билан чамбарчас боғлиқлигидан гувоҳлик берувчи ишончли маълумотлар олинган (А. И. Еременко 1978; Т.С. Смирнова 1980; М.В. Кузнецова 2001; Л.П. Волкова, А.В. Волков, 2005; Р.Р. Четыз 2007). Жумладан, болаларнинг саломатлик ҳолати билан боғлиқ бўлган мопия патогенезининг бири сифатида бўлиши бириктирувчи тўқима (БТ) тизимида патологиянинг мавжудлигини кўрсатади (З.К. Болтаева 1998; М.И. Винецкая ва ҳаммуал., 1988; Е.Н. Иомдина 2006; Обрубов ва ҳаммуал., 2008; М.Ю. Демидова 2009).

Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги кунда миопияни даволаш ва унинг патогенезини ўзига хос жиҳатларини ўрганишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ишлар амалга оширилган (Камилов Х.М., Мухамадиев Р.О., Сайдалиев У.Т. 2003; Билалов Э.Н., Бахритдинова Ф.А. 2010), бироқ, ўсиб борувчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларига боғлиқлигини баҳолашга қаратилган ишлар амалга оширилмаган.

Миопияли болалар ва ўсмирларда бириктирувчи тўқиманинг умумий ва маҳаллий ҳолатини тавсифловчи ва ҳозирги вақтда уни жадаллашиш хавфини баҳолашга имкон берувчи ва аниқ клиник ташхислаш мезонлари таклиф этилмаган. Кўндаланг боғламлар тўри билан таъминланувчи склеранинг тузилмавий турғунлигини бузилишини асосий сабабларидан бири бўлиб, жадаллашувчи миопияли кўзнинг

склерал тўқимасида сақланувчи маълум микроэлементлар алмашинуви бузилиши ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №001228 «Болалардаги туғма ва ортирилган кўз касалликларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» мавзуси (2018-2022 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миопиянинг ривожланиши ва жадаллашишида кўзнинг фибриноз қобиғининг биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда қоннинг микроэлемент таркиби ўрнини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

стационар ва жадаллашувчи миопияли беморларда кўзнинг биомеханик ва биометрик параметрларини баҳолаш;

турли даражали миопияси бўлган беморларда кўз ёш суюқлигини кристаллографиясини ўзига хосликларини ва жараённи жадаллашиши тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлган маркерларни баҳолаш;

стационар ва жадаллашувчи миопияси бўлган беморларда қон таркиби ва кўз ёш суюқлигини микроэлемент таркибини баҳолаш;

стационар ва жадаллашувчи миопияли беморлар қонида D витамин миқдорини баҳолаш;

стационар ва жадаллашувчи миопияли беморларни кўз олмасининг биомеханик кўрсаткичлари, қон ва кўз ёш суюқлигини микроэлемент, биокимёвий таркиби, юритиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон Давлат тиббиёт институти клиник шифохонасининг офтальмология ва жарроҳлик бўлимларида 2018-2022 йиллар давомида стационар шароитда даволанган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган турли даржадаги миопияли 140 нафар (280 та кўз) беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида стационар ва жадаллашувчи миопияси бўлган беморларда кўз биомеханик и биометриkdir параметрлари, қон микроэлементлари таркиби ва кўз ёши суюқлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларига боғлиқлиги баҳолашда клиник-функционал, визометрик, биомикроскопик, тонометрик, тонографик, офтальмоскопик, кератопахиметрик, ультратовуш А-сканирлаш, ОСТ текшируви, кўз ёш суюқлигини кристаллографияси, қон ва кўз ёши суюқлиги биокимёвий тахлили ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стационар ва жадаллашувчи миопияли пациентларда қон зардобиди ионизирланувчи кальций, фосфор микроэлементларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари ўзгариши, кўз ёш суюқлигида эса мис микроэлементининг камайиши, қон зардоби ва кўз ёш суюқлигида рух–темир мувозанатини бузилиши касалликнинг асосий ривожланиш омили эканлиги исботланган;

кўз ёш суюқлигини кристаллография кўрсаткичлари жадаллашувчи миопиянинг аҳамиятли маркери бўлиб, оксил ва минерал моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида оралиқ соҳага ўсиб кириш билан махсус понасимон киритмаларнинг пайдо бўлиши исботланган;

ўсиб боровчи миопияда қон зардобиди кальций миқдорини ва пешобдаги кальций экскрециясини кузатилиши, бу организмнинг таянч тўқималари билан етарли миқдорда тўйинмаганлиги зўрайиб боровчи миопияли пациентларда қон зардобиди кальций миқдори ҳамда уни экскреция кўрсаткичларининг ўзгариши исботланган;

стационар ва жадаллашувчи миопияси бўлган пациентларнинг қон зардобиди 25(OH)D билан биргаликда кальций ва фосфор микроэлементларининг камайиши касалликнинг кескин ортишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз ёш суюқлиги ва қон таркибиди микроэлементлар мувозанатини бузилишини жадаллашиши ва унинг асоратларини ривожланишини олдини олиш учун антиоксидантлар ва микроэлемент бирикмаларини қўллаш тартиби баҳоланган;

қоннинг, кўз ёш суюқлигининг микроэлемент таркиби ва фиброз қобиқнинг биомеханик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар асосида миопик жараёни жадаллашишини баҳолаовчи параметрларини бир эканлиги очиб берилган;

стационар ҳамда жадаллашувчи миопияли беморларни ташхислаш ва даволаш натижасида олинган маълумотлар асосида асоратларни ўз вақтида олдини олиш ва миопияни жадаллашишини кўрсатувчи белгиларни эрта баҳолашни олдини олишга қаратилган юритиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, биомикроскопик, тонометрик, тонографик, офтальмоскопик, кератопахиметрик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркибий хусусиятларига боғлиқлигини оптималлаштириш ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган

натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркибини баҳолашда қонда ва кўз ёш суюқлиги таркибида ҳамма микроэлементлар мувозанатининг бузилиши, дисбаланс жараёнини жадаллашиши билан чуқурлашиб боришининг назарий асослари яратилгандиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда стационар ва жадаллашувчи миопияни даволаш ва олдини олиш учун ишлаб чиқилган янгича ёндошувлар қоннинг микроэлемент таркибидаги ўзгаришларга ва фибриоз капсуланинг биомеханик кўрсаткичларга боғлиқлигини амалий аҳамияти асослангалиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларига боғлиқлигини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркибининг хусусиятларига боғлиқлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Миопияни зўрайишини қон зардобидаги микроэлементлар асосида ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигида тасдиқланди 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/198-сон маълумотномаси). Натижада ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби баҳолаш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш орқали касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларни касалликни ташхислашнинг кўз ёш суюқлиги биокристаллография усулини жорий этиш самардорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Жадаллашувчи миопияда ташхислашнинг кўз ёш суюқлиги биокристаллография усулини жорий этиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигида тасдиқланди 2021 йил 5 апрелдаги 8н-р/273-сон маълумотномаси). Натижада жадаллашувчи миопияда ташхислашнинг кўз ёш суюқлиги биокристаллография усули орқали миопияни эрта ташхислаш, касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган

ўсиб боровчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларига боғлиқлигини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот

натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, республика клиник офтальмология шифохонаси, Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий-амалий маркази, Андижон вилоят кўз касалликлари шифохонасининг клиник амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 апрелдаги 8н-д/143-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши миопия билан хасталанган беморларда офтальмологик ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, миопия ривожланишини башорат қилиш самарадорлигини 81,2 % ошириш ва асосиз касалхонага ётқизиш сонини 29,7% дан 7,8% холатгача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миопияни ташхислаш ва даволаш муаммоларини замонавий аспектлари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги мавжуд маълумотлар таҳлил қилиниб, миопияни касаллик сифатида ёритилиши, стационар ва зўраювчи турларини патогенезидаги замонавий қарашлар ёритилган. Илмий адабиётлардаги маълумотлар, ҳамда биокимёвий текширишларни кўрсаткичлари бўйича, миопияни зўриқиши кўз олмасидаги ва умумий бириктирувчи тўқималардаги алмашинув жараёнларини бузилиши, антиоксидант тизимини химоявий хоссаларини издан чиқишига боғлиқ бўлиб, бунда патогенездаги асосий

склера омилига қаратилган. Кўриш органи патологияларини ривожланишида микроэлементларнинг иштирокини алоҳида механизмларини аниқлаш мақсадида кўриш органида бузилишлар бўлган беморларнинг микроэлемент статусини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурияти тўғрисидаги аниқ таъкидланганлиги ва миопия асоратларини ривожланишини олдини олиш ҳамда эрта олдини олиш бўйича муаллиф ёндошув ишлаб чиқилган

Диссертациянинг **«Ўсиб борувчи миопия кузатилган беморларда кўз фиброз қаватининг биомеханик параметрлари ва қоннинг микроэлемент таркиби хусусиятларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида бобида қуйидагилар ёритилган: қўйилган мақсад ва шакллантирилган вазифаларни амалга ошириш учун 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган турли даражадаги миопияли 140 нафар (280 та кўз) текширишдан ўтказилди. Беморларнинг ўртача ёши $25 \pm 1,2$ йилни ташкил этди. Қиёслаш учун кучсиз ва ўртача даражали гиперметропия ва эмметропияли 100 нафар беморларни (200 та кўз) назорат гуруҳи сифатида олинган. Тадқиқотда иштирок этган беморлар орасида ортирилган миопияли беморлар 84,3%ни, туғма миопияли беморлар эса 15,7% ташкил этди. Тадқиқотда иштирок этган барча беморлардан 85 (61%) ҳолатда жадаллашувчи миопия ва 55(39%) ҳолатда стационарли миопия кузатилди.

Миопия даражасига боғлиқ ҳолда беморларнинг тақсимланиши кўрсатдики, кучсиз даражадаги миопия мос ҳолда 81 (29 %) ҳолатда, ўртачаси 107 (38%) ҳолатда ва юқори даражаси 92 (33%) ҳолатда учрайди. Барча беморлар контингентига қуйидаги стандарт ташхислаш усуллари ўтказилди: кўриш ўткирлигини текшириш учун визометрик; скиаскопик, авторефрактометрик, М211 фото насадка билан тирқиш ёриткич ёрдамида ўтказиладиган биомикроскопия (Carl Zeiss Jena), бевосита электр офтальмоскопия ОР-2 (ЛОМО) билан кўз тубини бевосита ёки билвосита офтальмоскопия қилиш, кератопахиметрия, тонометрия ва тонография, Кўзнинг УТТси (А сканирлш), Кўзнинг регидлигини текшириш усули, ОСТ текшириш. Шунингдек, қўшимча тадқиқот усулларида кристаллография ва микроэлементларни аниқлаш усули, қоннинг биокимёвий таҳлили АДТИ нинг марказий илмий тадқиқот лабораториясида колорометрик усул билан ўтказилди.

Диссертациянинг **«Миопияли беморларда кўриш органининг клиник–функционал кўрсаткич натижалари»** деб номланган учинчи бобида беморларнинг клиник – функционал кўрсаткич натижалари таҳлили келтирилган, бунда асосан (61%) ҳолатида жадаллашувчи миопия билан касалланганлар маълумотлари олинган. Анамнез маълумотларини йиғишда шу нарса аниқландики, 96 (69%) ҳолатда беморлар илмий фаолият билан боғлиқ бўлган касбда (талабалар ёки профессор-ўқитувчилар таркибига кирувчи шахслар) фаолият юритиши ёки 91 (65%) ўз иш фаолиятида компьютер воситаларидан

фойдаланганлар. Асосий гуруҳнинг 38% беморлари ва назорат гуруҳининг 25% беморлари доимий равишда тамаки чекади, шунингдек, асосий гуруҳ беморлари орасида 20% ва назорат гуруҳи беморлари орасида 9% доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилади.

Соматик патологиялар орасида мос ҳолда энг кўп сколиоз ва остеохондроз негизида кечувчи марказий асаб тизим касалликлари 56% да, 27% меъда – ичак тизим касалликлари, 29% буйрак касалликлари, 14% сурункали юқумли касалликлар, 44% ҳолатда эндокрин бузилишлар қайт қилинди. Кўриш ўткирлигини 0,1-0,3 чегарасида бўлиши мос ҳолда 140 (50%), 0,4-0,7 бўлиши–84 (30%), 0,8-1,0 бўлиши–56 (20%) кўзларда аниқланди. Дори воситали циклопегалиянинг энг юқори чўққисидаги статистик рефракцияси мос ҳолда кучсиз даражали миопияда ҳам 81 кўзда 3,0 дптр гача, ўртача даражали ҳолати 107 кўзда 6 дптр гача ва юқори даражлиси 92 кўзда 15 дптр гача аниқланди. Анизометропия мос ҳолда 45% ҳолатда 1,0-2,0 дптрдан ошмади, 55% эса мавжуд бўлмади. Бунда бир қисм беморларда астигматизмнинг сезиларсиз кучи остида (0,5-1,0 дптрда) юқори даражадаги миопиянинг тасдиқланиши кучли ўқ белгиларига ҳам, астигматик рефракцияли узоқни яхши кўролмаслик билан хасталанган беморлардаги сферик эквивалент белгиларига ҳам мос келади.

Жадаллашувчи миопияли беморларда 109 та кўзнинг ҳақиқий КИБини ўлчашда P_0 ни 22 кўз (20%) да қуйи меъёр чегарасида (P_0 ни 9дан 14 мм гача симоб уст.), 47 кўз 43,3% ўртача меъёр чегарасида (P_0 ни 14 дан 18 мм гача симоб уст.) ва 37 кўз 34% ҳолатда юқори меъёр чегарасида (P_0 ни 18 дан 21 мм гача симоб уст.) бўлиши аниқланди. 3 кўзда (2,7%) офтальмотонус (P_0) 21 мм симоб устунидан юқори бўлди-яъни 21, 1 дан то 24,4 мм симоб устунига тенг бўлди. Миопияли беморларда офтальмотонус (P_0)ни ўртача статистик меъёрини ($P_0 > 21$ мм симоб устуни) юқори чегарадан баланд бўлишини аниқланиши, офтальмогипертензиянинг намоён бўлиши сифатида баҳоланди.

Тадқиқотда иштирок этган барча болаларда кўзининг фиброз қобиғини зўриқиши (P) Лапласс формуласи билан аниқланди: $P = P_0 * L / 4D$, бу ерда P_0 – чин КИБ, мм симоб устуни; L – кўзнинг узунлиги, мм; D – шох парда қобиғининг қлинлиги, мкм.

Кучсиз даражадаги миопияли беморларда $P = 122,2 \pm 2,2$ мм. симоб уст.; ўртача даражали миопияли беморларда $P = 134,38 \pm 3,1$ мм.симоб уст.; юқори даражали миопияли беморларда $P = 154,5 \pm 2,1$ мм.симоб уст.; назорат гуруҳи беморларида $P = 127,8 \pm 4,1$ мм.симоб уст. тенг бўлди.

Стационар ва жадаллашувчи миопияли беморларда чин КИБ кўрсаткичлари ва склеранинг регидлиги, кўзнинг ООЎ кўрсткичлари ўртасида қиёсий таҳлил ўтказилди, шунингдек, ушбу параметрлар ўртасидаги корреляцион ўзаро алоқа олиб борилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Стационар ва жадаллашувчи миопияли беморларда чин кўз ички босими кўрсаткичлари ва склеранинг регидлиги, кўзнинг олдинги-орқа ўлчами кўрсаткичлари ўртасида қиёсий таҳлил (n-кўзлар сони)

Кўрсаткичлар	Эмметропия	Стационар миопия (n=110)	Жадаллашувчи миопия (n=170)
ПЗО	22,6±0,9*	25,5±0,8**	25,5±1,0***
P ₀	17,1±2,4*	12,0±1,1**	13,2±2,1***
P	127,5±4,1*	133,4±5,2**	155,0±4,0***

Изоҳ: Ўртача белгилар ўртасидаги фарқлар *ва **, * ва *** белгилар билан қайд этилган, статистик ишончли ($p < 0,05$).

1-жадвалдан кўришиб турибдики, кўзнинг ООЎсини ортиши билан жадаллашувчи миопияда корнеосклерал қобиқ зўрайишини ишончли ортиши ва кўзнинг корнеосклерал қобиғи регидлигини камайиши кузатилади.

Стационар ва жадаллашувчи миопияли болалар кўзининг қуйидаги параметрлари ўртасидаги корреляцион алоқанинг (r) таҳлили ўтказилди: ООЎ–P ва ООЎ– P₀ (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал


Стационар ва жадаллашувчи миопияли беморлар кўз параметрлари ўртасидаги корреляцион алоқа (n-кўзлар сони)

Параметрлар	Стационар миопия (n=110)	Жадаллашувчи миопия (n=170)
ООЎ– P	r = 0,43	r = 0,58
КИБ–P ₀	r = 0,38	r = 0,64

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ООЎ–P ва ООЎ– P₀ кўрсаткичлари ўртасида мусбат корреляцион алоқа кузатилади, аммо, стационар миопияда бу кучсиз, жадаллашувчи миопияда эса ўртача корреляцион алоқа аниқланади. Текширувлар натижасига кўра, 71% ҳолатда касаллик кечишини хореоретинал ёки витреал ёки аралаш (хореоретинал-витреал) турлари бўйича асоратланган деб тан олиш мумкин.

Кучсиз ва ўрта даражали миопияли беморларда кристаллограммаларни текшириш кўрсатдики, четки соха аниқ чегарага эга, тузли тузилмалар бири-бирига зич ёпишган ҳолатда намоён бўлди, бунда асосан I ва II турдаги кристаллар устунликка эга. (1-расмга қаранг). Стационар миопиянинг ўртача даражасида (83 та кўз) четки оқсил ва оралиқ соханинг кенглиги деярли тенг, аммо, баъзи ҳолатларда оқсил сохада тузларни кириб бориши кузатилади. Ўрта даражали жадаллашувчи миопияли беморларда (24 та кўз) кристаллар ҳеч қандай кутбларсиз жойлашган, тасвир бир хил бўлмаган ҳолда суркалган, четки сохада понасимон кристаллар пайдо бўлади. Юқори даражали жадаллашувчи миопия (86 кўз) да фасциянинг четки сохасида понасимон киритмаларни пайдо бўлиши қайд этилади, уларнинг бир қисми оралиқ соханинг тузилмалари билан бирга

ўсиб кетгандир. Марказий соҳада кристаллар тартибсиз жойлашган, суратлар бир хилда эмас ва суркалиб кетгандир (2-расмга қаранг).



1-расм. Ўрта даражали жадаллашувчи миопияли беморларнинг КС кристаллограммаси Шундай қилиб, миопияни ривожланиши билан КС кристаллограммасида туз ва оксиллар тизими дисгормонияси қайд этилади, жараённи жадаллашишида эса оралиқ соҳага ўсиб кирган махсус понасимон критмаларнинг пайдо бўлиши қайд этилади.

2-расм. Юқори даражали жадаллашувчи КС миопияли беморларнинг кристаллограммаси

Диссертациянинг «Миопияли беморларда кўз ёш суюқлиги ва қоннинг микроэлемент таркибини таҳлил натижалари» тўртинчи бобда миопияли беморларда қоннинг микроэлемент таркибини аниқлангандаги, қонда темир ионлари (Fe), мис (Cu) ва кальций (Ca) миқдорини ишончли пасайиши, рух ионлари (Zn) миқдорини эса аксинча ошганлиги кўрсатилган (3- жадвалга қаранг).

3-жадвал

Миопияли беморлар ва назорат гуруҳидаги шахслар қонида темир, мис ва кальций, рух ионларининг миқдори

Микроэлемент	Назорат гуруҳи	Енгил даражали миопия	Ўрта даражали миопия	Юқори даражали
темир (мкмоль/л)	21,3±1,2*	20,9±1,2	18,7±1,99*	15,9±1,3*
мис (ммоль/л)	19,9±1,5**	16,4±1,4	14,2±1,0**	11,1±1,99**
кальций (ммоль/л)	2,4±0,8***	2,2±0,2	1,9±0,25***	1,8±0,2***
рух (мкмоль/л)	15,5±1,2***	16,1±1,8	18,2±1,4****	19,1±1,7****

Изоҳ: Ўртача белгилар ўртасидаги фарқлар * ва *, ** ва **, *** ва ***, **** ва **** белгилари билан қайд этилган, статистик ишончли ($p < 0,05$).

Эмметропия ва турли даражали миопияли беморларда қоннинг микроэлемент таркибида фарқлар аниқланди. Демак, кучсиз даражадаги миопияли беморларда эмметропияли беморлардаги ушбу

микроэлементларнинг миқдори билан солиштириш бўйича қонида Fe, Cu, Ca, Zn ионларининг миқдори ўртасида ишончли фарқлар қайд этилмади. Ўрта ва юқори даражали миопияда қонда Fe, Cu, Ca ионларини миқдори эмметропияли беморлар билан солиштириш бўйича уларнинг миқдорини ишончли пасайиши кузатилади. Уларнинг ўртача концентрацияси $17,3\pm 1,6$; $12,7\pm 1,5$; $1,85\pm 0,2$ ммоль/л; назорат гуруҳида эса мос ҳолда уларнинг даражаси $21,3\pm 1,2$; $19,9\pm 1,5$; $2,4\pm 0,8$ ммоль/л ни ташкил этди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатдики, миопияли беморлар пешобида нафақат қон зардобидаги кальций даражаси ($1,85\pm 0,2$), балки кальций экскреция ($2,3\pm 0,6$ ммоль/л) назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда (мос ҳолда $2,4\pm 0,8$ и $5,5\pm 1,4$ ммоль/л) ишончли даражада паст бўлди. Буларнинг барчаси организмнинг таянч тўқималарини улар билан тўйинишини етарли эмаслигидан гувоҳлик беради. Бундан ташқари жадаллашувчи миопияда бу кўрсаткичларнинг ишончли пасайиши аниқланади. Стационар ва жадаллашувчи миопияли беморларда қон зардобидаги кальций миқдори ва уни экскреция кўрсаткичлари ўртасида ўзаро корреляцион алоқа таҳлили ўтказилди. Жадаллашувчи миопия ($r=0,33$) ва стационар миопияли ($r=0,65$) болаларда қон зардобидаги кальций миқдори ва уни экскреция кўрсаткичлари ўртасидаги ўртача бевосита алоқа аниқланди, бу ушбу кўрсаткични доимий ушлаб туришга қаратилган стационар миопияда энг яхши компенсатор механизмларидан гувоҳлик беради. Шундай қилиб, стационар миопияли беморлар бириктирувчи тўқимани кальций билан тўйинишини етишмаслигидан кам азият чекади. Стационар ва жадаллашувчи миопияли беморлар қон зардобида фосфорнинг даражаси ва уни пешоб билан экскрециясини қиёсий таҳлили, қон зардобидаги миқдорини пасайиши ва пешобдаги экскрециясини ортиш тенденцияси аниқланган, аммо, бунда кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ишончли бўлмади, фосфор-кальций алмашинувидаги мувозанати бузилган.

Шундай қилиб, миопияли беморларда фосфор-кальций алмашинув кўрсаткичлари бириктирувчи тўқимани кальций ва фосфор кислота тузлари билан тўйиниш жараёнини пасайишини кўрсатади.

Шунингдек, миопияли ва назорат гуруҳи беморлари кўз ёш суюқлигида Cu, Zn ва Fe миқдори аниқланди. Кўз ёшидаги Cu, Zn ва Fe даражасини аниқлаш натижалари 4-жадвалда тақдим этилган.

4-жадвал

Стационар ва жадаллашувчи миопия ва эмметропияли беморлар кўз ёш суюқлигида Cu, Zn ва Fe (мкг/мл) миқдори

Микроэлемент	Назорат гуруҳи	Стационар миопия	Жадаллашувчи миопия
Темир	$0,67\pm 0,1$	$0,93\pm 0,08^*$	$1,03\pm 0,15^*$
Мис	$0,72\pm 0,02$	$0,52\pm 0,1^*$	$0,41\pm 0,12^*$
Рух	$9,7\pm 2,7$	$8,3\pm 1,6^*$	$7,6\pm 1,7^*$

*-меъёр ва миопия ўртасидаги фарқлар ишончли, $p<0.05$

Олинган маълумотларнинг таҳлили мис даражасини ишончли пасайиши тўғрисида (1,3-1,7 мартага) хулоса чиқаришга имкон беради. Кўз ёш суюқлигида мисни пасайиши, шунингдек, ушбу микроэлементи қондаги миқдорини сезиларли силжишлари мисни бутун организмда ҳам, кўриш органларида ҳам яққол намоён бўлган мувозанатини бузилганлигидан гувоҳлик беради.

Шунингдек, мопияли ва назорат гуруҳи беморларида кўз ёш суюқлигидаги оксилларнинг умумий концентрациясини аниқланган, у юқори миопияда ушбу кўрсаткични эмметропияга нисбатан мос ҳолда 5,60 мг/мл ва 7,68 мг/мл га ишончли паст бўлишини кўрсатди.

Миопия ва эмметропияли беморларда кўз ёш суюқлиги оксил таркибини ўтказилган қиёсий ўрганиш, ўрганилаётган офтальмопатология учун айнан юқори даражли миопияли беморларда оксилларнинг умумий миқдорини миопияда ишончли пасайиши хос бўлган маълум фарқларни аниқлашга имкон беради.

Олинган натижалар кўрсатдики, кўз ёш суюқлиги ва қон зардобидаги микроэлементлар таҳлили, миопияли беморларда микроэлементлар алмашинуви ҳолати тўғрисида фикр юритишга имкон беради, бу эса антиоксидант ҳимоя тизимининг фаоллиги ва бириктирувчи тўқима метаболизмни бошқарувчи микроэлементлар мувозанатини маълум даражада бузилиши тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Анамнездан аниқландики, миопияли беморлар ҳафта давомида очик ҳавода тахминан $12,5 \pm 1,5$ соатни ўтказдилар, улардан жадаллашувчи миопияли беморлар ҳафтада $11,1 \pm 1,1$ соатни, назорат гуруҳи беморлари эса ҳафтада ўртача $17,1 \pm 1,2$ соат бўладилар. Бунда назорат гуруҳ беморларини спорт билан шуғулланишлари учун ҳафтада ўртача $8,3 \pm 2,5$ соат, асосий гуруҳ эса $5,1 \pm 3,1$ соат сарфлайди.

